

Яхшиева М.Т.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – МАМЛАКАТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

ЯХШИЕВА М.Т. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – МАМЛАКАТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Мақолада жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг раҷобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналарида раҷобатбардошлигни ташкил этишни оптималлаштириш йўллари ёритилган ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш борасида амалий таклифлар берилган.

Таянч иборалар: иқтисодиётнинг раҷобатбардошлиги, инновацион иқтисодиёт, ички бозорни тўйинтириш, макроиктисодий муҳит, инфляция, белгиланган меъёр, солиқ дараҷаси, кредит ресурслари.

ЯХШИЕВА М.Т. УСТОЙЧИВЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ – КЛЮЧЕВОЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ СТРАНЫ

В статье освещены способы обеспечения конкурентоспособности экономики, совершенствование управлением организации конкурентоспособности производственных предприятий и представлены практические рекомендации для устойчивого развития экономики Республики Узбекистан. Это должно позволить решить задачу устойчивого развития страны в условиях нестабильности на мировых рынках.

Ключевые слова: конкурентоспособность экономики, инновационная экономика, насыщение внутреннего рынка, макроэкономическая среда, инфляция, уровень налога, кредитные ресурсы.

YAHSHIEVA M.T. SUSTAINED ECONOMIC GROWTH – AS A KEY FACTOR OF THE COUNTRY'S COMPETITIVENESS IMPROVING.

In the conditions of instability on world markets the article considered ways of the economy competitiveness increase through the perfection of management of organization and product quality improvement. There are provided practical recommendations to decide the tasks of steady development of the economy.

Keywords: competitiveness, economy, innovations, enrichment, macroeconomic environment, inflation, the tax credits.

Жаҳон бозорларидағи бекарорлик шароитида мамлакаттимизни барқарор ривожлантириши вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Шу ўринда мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги алоҳида аҳамият касб этади, чунки айнан шу рақобатбардошлик бошқа даражалардаги рақобатбардошликини таъминлашнинг асосини ташкил этади.

Бу барқарор ривожланишга эришиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш илғор инновацион иқтисодиётга эга бўлишни талаб этади. Бунга эса барча даражаларда, хусусан товарлар рақобатбардошлигини оширишда ҳам инновацияларнинг ролини ошириш зарурдир.

Аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш, яъни озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш, маҳаллий хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланишни амалга ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни йўлга қўйиш асосида маълум рентабеллик даражасига чиқиш ва фойда олиш имконияти мавжудлиги, кичик корхоналарнинг йирик инвестициялар талаб қиласлиги, уларни қишлоқларда мавжуд фойдаланилаётган иншоотлар, муасасалар асосида ташкил қилиш мумкинлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бир неча сменалик меҳнат қилишни ташкил этиш асосида кўпроқ ишсизларни иш билан таъминлаш, кичик корхоналарда юқори ва мураккаб технологиялар қўлланилиши сабабли ишсизларга маълум вақтда касб ўргатиш қулай бўлиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хизмат соҳаларига қараганда иш ҳақининг юқорилиги каби жиҳатлари миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашда ушбу афзалликлардан фойдаланиш имкониятини юзага келтиради.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар сифатида биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатнинг табиий ресурс салоҳияти, ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати, ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва бошқа шу каби омиллар қатнашади. Мамлакат миқёсида рақобатбардошликини аниқлашда асосий эътибор яратилган макроиқтисодий муҳитга, яъни инфляциянинг белгиланган меъёри, солиқ даражаси, кредит ресурсларини олиш имконияти, миллий валюта курси динамикасини билиш ва унинг экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар манфатларига мос келиши, давлат институтларининг сифати, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, инсон капитали ва таълим тизимининг сифати, тадбиркорлик муҳити, товар, молия ва меҳнат бозорларининг ривожланишига қаратилади.

Қулай макроиқтисодий муҳит билан маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ўртасида барқарор ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги замонавий иқтисодий назариянинг асосий қоидаларига мос келади ва кўп сонли амалий тадқиқотлар томонидан исботланган. Мамлакат рақобатбардошлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири – барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий мувозанатликнинг таъминланишидир. Бизнинг мамлакатимизни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилган макроиқтисодий мувозанатлашувининг асосий омиллари қаторига бюджет профицитининг таъминланиши, олтин-валюта

расмий захираларининг юқорилиги ва давлат ташқи қарзларининг паст даражаси, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидағи эҳтиёткорона алоқалар кабиларни киритишими мумкин.

Бизга маълумки, мамлакат миллий иқтисодиётининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири – ялпи ички маҳсулотдир. 2014 йил Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоизга ўсиб, унинг номинал ҳажми 144,9 триллион сўмни ташкил этди. Бундай натижага иқтисодиётнинг барча тармоқларида тизимли ва ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши туфайли эришилди. Хусусан, ташқи ва ички бозор талаблари асосида иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш жараёнларининг изчил амалга оширилганлиги, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ошди.

Таҳлилий маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 77750,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 96589,8 млрд сўмни, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 118986,9 млрд сўмга етди, 2014 йилда эса 144867,9 млрд сўмни ташкил этди.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда мамлакат саноати етакчи ўрин тутади. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми таҳлил қилинаётган йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 75193,5 млрд сўмни ташкил этди ва бу 2011 йилга нисбатан 33537,6 млрд сўм кўпроқdir. Бундай натижага эришишда мамлакатимизда қабул қилинган

2011-2015 йилларда саноатни устувор давражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Иқтисодиёт рақобатбардошлиги барча бўғинлари макродаражада бир-бири билан боғлиқ. Улардан бирининг ривожланмаганилиги бошқаларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, инновацион салоҳиятни юқори технологияларни фойдаланишга мослаштирувчи яхши ривожланмаган олий таълим тизимисиз ҳамда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларни (НИОКР) молиялаштиришда самарали амал қилувчи молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди.

Адолатли рақобат шарт-шароитларининг мавжуд эмаслиги ва ривожланмаган товарлар бозори инновацион маҳсулотга бўлган барқарор талаб ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга рағбатларни таъминламайди. Ўзбекистон саноатининг ривожланиш хусусияти саноат тармоқларининг қайта ишлаш соҳаларида фондлар қайтими ва меҳнат унумдорлигининг жадал ўсиш тенденциясига эришганлигидир.

Сўнгги йилларда саноат бўйича меҳнат унумдорлиги жадал ўсиб бормоқда. Бунга экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлаш, электр энергияси соҳасини модернизация қилиш, энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш, кичик бизнисидан бўлган саноатни таъминлаш, тармоқларни таъминлаш, инновацион салоҳиятни юқори технологияларни фойдаланишга мослаштирувчи яхши ривожланмаган олий таълим тизимисиз ҳамда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларни (НИОКР) молиялаштиришда самарали амал қилувчи молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди.

1-жадвал. Ўзбекистонда 2011-2014 йилларда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси¹

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013	2014
ЯИМ	млрд сўм	77750,6	96589,8	118986,9	144867,9
Аҳоли жон бошига ЯИМ	минг сўм	2649,9	3244,0	3934,6	4709,7
Саноат маҳсулоти	млрд сўм	41655,9	50730,6	61105,8	75193,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд сўм	19633,6	24370,3	30849,4	36957,0
Асосий капиталга инвестициялар	млрд сўм	17518,6	22067,0	27557,3	33715,3
Қурилиш ишлари	млрд сўм	9438,1	11311,8	15080,8	19779,3
Юк ташиш	млн тонна	1269,0	1343,9	1387,3	1455,8
Йўловчилар ташиш	млн киши	6341,8	6744,3	6988,0	7321,3
Хизматлар, жами	млрд сўм	41083,3	51809,0	65337,6	82261,2
Пуллик хизмат	млрд сўм	10520,9	13753,6	18278,6	22683,1
Чакана товар айланмаси	млрд сўм	28357,0	36917,8	47463,7	58643,4
Доимий аҳоли сони	минг киши	29341,3	29775,0	30241,1	30759,2
Бандлар сони	минг киши	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4

нес ривожланишини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли бандлиги ва янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар сабаб бўлди. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминловчи саноат тармоғини таркибий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун энг самарали тармоқларга алоҳида урғу бериш лозимдир.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилган, қайта ишланган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги улуши сезиларли бўлса-да, уни янада ошириш имкони мавжуд. Бу эса ички бозорни тўйинтириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишни долзарб қилиб қўяди. Бу долзарб вазифани ҳал этиш ишлаб чиқариш корхоналарида рақобатбардошликни бошқариш хусусиятларига боғлиқдир. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхоналарида рақобатбардошликни бошқариш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда ташқи бозорларни ўзлаштириш жараёнларида Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда»².

Шу билан бирга, 2014 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза-си. // «Халқ сўзи», 2014 йил 18 январь.

² Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетенъ 2014 йил. – Т., 2015. -10-6.

қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди¹.

Ишлаб чиқариш корхоналари даражасидаги рақобатбардошлик ресурслар, ташқи рақобат, талаб, тармоқлараро алоқалар каби омиллар билан боғлиқдир. Ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари стратегик ҳолатларни ҳисобга олишни кўзда тутади. Ишлаб чиқариш корхоналарида рақобатбардошликни оширишнинг инновацион технологиялар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, бошқарувнинг инновацион усуllibарини қўллаш, корхонани инновацион корхона статусига етказиш каби усул ва воситалари мавжуд. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарида рақобатбардошликни ташкил этишда рақобатнинг кучайиб боришини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарувчилар ҳамкорликнинг самарали усуllibаридан фойдаланишга ва ўзаро ҳамкорликни ишончли асосга кўра қуришга катта эътибор қаратмоқдалар. Чунки ҳозирги шароитда корхоналар инновацион фаолиятни олиб боришлари заруриятга айланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарида рақобатбардошликни ташкил этишни оптималлаштириш ҳозирги модернизация жараёнлари кечеётган даврда ўта муҳим ва ўринлидир. Ҳозирда ишлаб чиқариш корхоналарида рақобатбардошликни бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари дунёда кенг тар-

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

қалган сифатни бошқаришни талаб этади. Бу эса ички бозорни тўйинтириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишни долзарб қилиб қўяди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан саноат ишлаб чиқаришини таркибий ўзгарттириш, модернизация ва диверсификация қилиш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, шунингдек, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ўрта муддатли дастурлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши иқтисодиётимизни янада юксалтириш, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгарттириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, муҳим саноат тармоқларини ривожлантиришни янги, юқори босқичга кўтариш, замонавий ва ривожланган инфратузилмани шакллантиришга хизмат қиласди.

Мазкур дастурлар доирасида 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40,8 млрд долларлик 846 лойиҳа, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ҳамда ривожлантиришга доир умумий қиймати 9,8 млрд долларлик 141 лойиҳа, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича умумий қиймати 5 млрд доллардан зиёд 602 лойиҳани амалга ошириш ва 1,2 мингдан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган².

2015 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 марта «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгарттириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-4707 сонли Фармони. // «Халқ сўзи», 2015 йил 5 март.

иқтисодий ривожлантириш натижалари шуни кўрсатадики, жаҳон миқёсида инқироз ҳолатлари ҳамон давом этаётгани ва қарама-қаршиликлар кучайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинган беш тамойилга асосланган ислоҳ этиш ва ривожланишнинг эволюцион ҳамда босқичма-босқич стратегиясини мақсадли ва изчил амалга ошириш самарасида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш таъминланмоқда.

Тармоқларни таркибий ўзгартириш ва жадал диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича тасдиқланган ўрта муддатли дастурларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун мавжуд барча захира ҳамда имкониятларни жалб этиш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик йўлидаги барча тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш ва пировард натижада мамлакатимиз аҳолисининг бандлиги, ҳаёт сифати ҳамда даражасини муттасил ошириш 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалардир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг табиий хусусиятлари, унинг минерал ва хом ашё, ишчи кучи ресурслари билан яхши таъминланганлиги, чет эл мамлакатлари иқтисодиётiga интеграциялашганлиги, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ўз таъсир кучини ҳали йўқотмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётини бундан кейин ҳам барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи йўллар сифатида қуидаги йўналишларда чора-

тадбирларни изчил амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш ишларини янада фаол давом эттириш;

- жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган, иқтисодий ўсиш, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

- саноатда юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифат жиҳатидан халқаро талабларга жавоб берадиган даражага етказиш;

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш;

- фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали муҳим стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни давом эттириш ва натижада уларнинг ЯИМдаги улушкини янада ошириш;

- иқтисодиётнинг барқарор ривожининг муҳим омили сифатида аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш ва умуман, аҳоли турмуш сифати, истеъмол талабини муттасил оширишни рағбатлантириш;

- қишлоқ қиёфасини тубдан янгилаш дастури доирасида уй-жой қурилиши ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, аҳоли яшаш шароитлари сифатини яхшилаш учун хусусий ва кредит маблағларини жалб қилишни янада кенгайтириш ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзgartириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-4707 сонли Фармони. // «Халқ сўзи», 2015 йил 5 март.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. -36-б.

4. «Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманинг материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2014.

5. «Иқтисодиёт назарияси муаммолари: талқини ва ечимлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТМИ, 2015 йил 24 апрель.

6. Ўзбекистон: Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. / А.Ф.Расуловнинг илмий таҳрири остида. – Т: «Konsuditform nashr», 2011.